

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган



Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1992 йил 8 август • шанба

№ 116 (10.365). Баҳоси 2 сўм.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ХУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТУҒРИСИДА

Бозор иқтисодиётига ўтиш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш шароитида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва истиқболларини аниқлашга доир таҳмин ва таҳлил ишларининг юксак даражада бўлишини таъминлаш, миллий ҳисоб-китоблар тизimini изчиллик билан жорий этиш, халқаро меъёрлар ва андозаларга мос келадиган пухта ва ишончли статистика ахборотини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Тараққиётни Истиқболларини белгилаш комитети билан Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат комитети негизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белги-

лаш ва статистика давлат комитети ташкил этилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тараққиёт истиқболини белгилаш ва статистика ҳудудий бўлинмалари негизда қуйидагиларни ташкил қилсинлар:

Қорақалпоғистон Республикасида — Иқтисодиёт ва статистика вазирлиги; республика вилоятлари ва Тошкент шаҳрида — Истиқболни белгилаш ва статистика бошқармалари;

республика шаҳарлари ва районларида — Иқтисодиётни мувофиқлаштириш ва статистика бўлимлари.

Белгилаб қўйилсинки, маъмур органлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, ша-

ҳарлар ва районларнинг ҳокимларига бўйсундиладилар, Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети эса услубий раҳбарлик қилиб, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

3. Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

Ўзбекистонни тараққиёт этириш, унинг устувор йўналишлари ва ташқи иқтисодий алоқалари стратегиясини ишлаб чиқиш, жаҳон ҳамжамиятига киришни, жаҳон бозоридаги аҳволни эътиборга олган ҳолда республика халқ хўжалиги маъмуини самарали тарзда иқтисослаштириш;

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг концепцияларини, қисқа муддатли ва истиқболдаги режаларини, катта иқ-

тисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, халқ хўжалигининг моддий-молиявий мутаносиблиги, табиий, меҳнат заҳираларидан, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш борасидаги тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш;

республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш кўрсаткичларини белгилаш ва аниқлаш соҳасида республиканинг иқтисодий органлари, вазирликлар, идоралар, концернлар, уюмлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

республика аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш, унинг энг ночор табақалари ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлашга оид тақлифларни асослаб бериш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, экология вазиятини соғломлаштириш йўллари ҳамда йўналишларини белгилаш;

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ХУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ РАЙСИ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг истиқболни белгилаш ва статистика Давлат комитети райси вазифалари Бош вазир ўринбосари ўртоқ В. С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри
1992 йил 7 август.



«ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ» ЙЎҚЛАМАСИ

МАНА, ҳадемай, 1 сентябрь куни Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигининг бир йиллигини нишонлайди. Бир йил — ўн икки ой. Аслида бу тарих олдида томчидан зарра, холос. Аммо биз учун унинг қадр-қиммати, жуда-жуда юксакдир. Эҳтимол, бугун буни ҳаммамиз ҳам тушуниб етмаётгандирми. Лекин, тез орада 1991 йилнинг 1 сентябри Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқи учун буюк, унутилмас воқеа бўлганлигини, албатта, англаймиз.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундаки, ана шу ўтган бир йилда Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўзининг миллий кадриятларига, шароитига мос ички ва ташқи сиёсат йўлини топа олди. Бу ҳақда узоқ ёзиш ва гапириш

мумкин. Аммо кўпгина муҳолифларимиз ҳам Ўзбекистон ўзига мерос қолган оғир иқтисодийни соғломлаштиришнинг ойдин йўлини бу қадар тез топиб олади, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг нуфузли ўрнига, мавқега эришади, деб ўйламагавлиги рост.

Бу айримлар айтганидек, қизил гаплар эмас, балки реал воқеалиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти, унинг ҳукумати ва Олий Кенгаши бундан буёнги ўз дастури туғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн икки сессиясида аниқ ва равшан ахборот берди. Муҳими бу йўли халқнинг мутлақ кўпчилиги қўллаб-қувватламоқда.

Эҳтимол, биз олдимизга қўйган мақсадни очиб беришда юқоридаги гапларнинг кераги йўқдек


туюлар баъзиларга. Лекин ана шу йўл ва дастурлар бошқарувнинг қуйи бўғинларида ҳам ишни такомиллаштиришга катта манба бўлаётганлиги учун уларни келтирдик.

Назаримизда бизга мустақилликнинг берган илк медалари ҳам ўша — республиканинг ўз йўлини топиб олганлиги бўлди, десак янглишмаймиз. Зеро, ўз йўлини танлаб олган киши тезроқ манзилга ҳам етажак. Албатта, ҳали бу йўлда жуда кўп ғовларни олиб ташлашга, муаммоларни бартараф этишга, қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келиши ҳам равшан. Аммо Ўзбекистон халқининг бутун ҳаракати бошланган йўли тўлиқ, охиригача амалга оширишга қаратилгандир. Бу қурашда Тошкент вилояти меҳнатқашлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан «Тошкент ҳақиқати» газетаси муҳарририяси вилоят шаҳар ва районларида мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар, ўзгаришлар, янгиликлар, тажрибаларни акс эттирувчи йўқлама ўтказишни режалаштирди.

Биз бугун биринчи бўлиб Зангиота райони меҳнатқашларининг ишлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

(Бу ҳақдаги мақолаларни газетанинг 4 ва 5-саҳифаларида ўқийсиз).



● ЗАНГИОТА райони маркази кундан-кунга обод бўлиб бораётти. Сураатларда: (чапда) «Гунафша» номли қариялар чойхонаси; (ўнгда) кунни кеча фойдаланишга топширилган шифохона.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнига таҳлилий ва тахминий баҳо бериш, хўжалик механизми, бошқарув шакллари ва усулларини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

халқ хўжалиги тузилмасини қайта қуришга ва маблағ сарфлаш сифатини шакллантиришга, рақобатга қодир тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни устун даражада ривожлантиришга, ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштиришга, Қорақалпоғистон Республикасини, вилоятлар, шаҳарлар ва районларни комплекс равишда тараққий эттиришга доир таклифларни тайёрлаш;

хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий алоқаларни ривожлантириш, чет эл маблағларидан самарали фойдаланиш соҳасидаги йўналишларни белгилаш;

ягона статистика сиёсатини ўтказиш, халқ хўжалиги ишларининг таркиб топаётган шароитини бозор муносабатларига ўтишни, нархнаво ўзгаришини, хилма-хил мулкчилик шакллари ривожланишини, маълумотларни йиғиш ва уларни ишлашнинг илғор тизимлари жорий этилишини; компьютерлар кенг татбиқ қилинишини акс эттирувчи ҳисобот кўрсаткичларининг илмий асосланган тизимини жорий этиш ҳамда республика ҳисоб мар-

казининг фаолиятини мувофиқлаштириш; миллий ҳисоб-китоб ва халқ хўжалиги баланси тизимининг услубиятини ишлаб чиқиш, бутун статистикани бошқичма-бошқич замонавий халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқ ҳолга келтириш.

4. Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар ва зирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар (бирлашмалар), муассасалар ва ташкилотлар, маҳаллий бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этиш учун мажбурий эканлиги белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddат ичида Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитетининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиб, комитетнинг Низоми ва тузилмасини тасдиқласин.

6. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг Тараққийёт истиқболини белгилаш комитетини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 13 февралда чиқарган Фармон ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 5 август.

ПАРТИЯ БИЛЕТЛАРИ ТОПШИРИЛМОҚДА

Илгари хабар қилинганидек, ЎзХДП Тошкент вилоят ташкилотига партија билетларини топшириш бошланди. Биринчи босқичда партија билетларини фахрийлар, жамоатчи фаоллар олмақдалар. Партија фахрийларига, вилоят партија ташкилоти фаолларига билетларни топшириш маросими яқинда ЎзХДП вилоят Кенгашида бўлиб ўтди. ЎзХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов партија фахрийларига ҳужжатларни топширди.

Партија билетлари топшириш маросимида Тошкент вилояти ҳокими С. Д. Сайдалиев, ЎзХДП Тошкент вилояти Кенгаши биринчи котиби У. Т. Турғунов иштирок этдилар.

Суратда: ЎзХДП вилоят Кенгашида партија билетларини топшириш маросими.

В. ХАРИТОНОВ олган сурат.



• Голландия — Ўзбекистон

ШЕФ ВАН ХАМ — «Вольф энд Вольф» фирмаси халқаро картошка етиштириш юзасидан лойиҳалар мудири:

— Фирмамиз уруғлик картошка етиштиришга ихтисослашган. Биз тайёрлаб берган уруғликлар жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида мўл ҳосил беради. Кейинги йилларда фақат уруғлик етказиб бериш эмас, балки тажрибали фермерларни ҳам турли мамлакатларга юбориб, маҳаллий аҳолига Голландия технологияси асосида картошкadan мўл ҳосил олиш сирларини ўрганмоқдамиз.

Олдиндан тузиб олинган шартномага мувофиқ бу йил

тиб беришди. Рулов Бекнер эса Ўрта Чирчиқ районидаги Акмал Икромов номи жамоа хўжалигидан 60 гектар ер олиб деҳқончилик қила бошлади.

Ҳар иккала фермер баҳор ойларида ерларни текислаш, ўғитлаш, ҳайдаш ишлари билан банд бўлдилар, июннинг бошларида эса картошка экишга киришдилар. Уруғлик ва сеялка Голландиядан юборилди. Жамоа хўжалиги механизаторлари экишни тез ва сифатли ўтказишда фермерларга кўмаклашдилар.

Экиш технологияси бизда бошқачароқ. Олдин ер обдон ўғитга тўйдирилади. Сўнг баланд-баланд пушталар олиниб, уруғ шу пуштага 12

картошка ҳар жиҳатдан қадрланади. Ундан турли хил таомлар тайёрланади, бир донаси ҳам чиқитга чиқарилмайди. Шу технологиянинг Ўзбекистонга ҳам кириб, келиши тарафдоримиз.

ЯН ХОХЛАНД — Шимолӣ голландиялик фермер: — Ўзбекистоннинг табиати иссиқ бўлса ҳам тупроғи унумли экан. Буни мен фермер дўстларим деҳқончилик қилаётган жойларни айланиб билдим. Рафиқам Аус билан келаси йилда республикангизда деҳқончилик қилишни мўлжаллапмиз.

Картошка, сабзавот маҳсулотлари етиштиришда озми—кўпми тажрибамиз бор. Ҳар йили Голландияда 20 гектар ерга картошка, 40



бўлди. Бизни фақат картошка етиштириш эмас, балки ўзбек халқининг маданий урф—одатлари, анъаналари, тарихий обидалар ва бошқа қадриятлар ҳам қизиқтиради. Биз тўйларда қатнашдик, кўп болали ўзбек оилаларининг меҳмони бўлдик. «Шарқ гули» бирлашмаси чеварлари қўлидан чиқаётган ранго-ранг миллий буюмлар билан танишдик, Самарқанднинг қадимий обидаларини бориб кўрдик. Булардан олган таассуротларимиз ниҳоятда чексиз эди. Биз ўзимизни эртақлар мамлакатига юргандек ҳис этдик. Ўлкангиз билан ҳар томонлама танишиш имконини берган республика социал таъминот вазирлигига, «Трансинторг» ташқи савдо фирмасига, Ўзбекистон мева-сабзавот, вино саноати концернига қарашли «Сабо» фирмаси ҳамда АЕС компаниясининг Тошкентдаги ваколатхонаси ходимларига ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Бундай учрашувлар ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди. Сизларни ҳам Голландияга таклиф этамиз.

ЎРГАНГАНИНГ АЙБИ ЙЎҚ

тўрт нафар фермеримиз мустақил Ўзбекистон тупроғида деҳқончилик қилмоқда. Бунгача биз Россия, Қозоғистон, Бошқирдистон ерларида картошка етиштириб келган эдик. Ўтган йили Кемерово ва Сиктивкар ерларидан айниқса мўл ҳосил олдик. Ҳозир ҳам Ўзбекистондан ташқари яна 11 жойда деҳқончилик қилмоқдамиз.

Ўзбекистонда картошка етиштириш истагини билдирганимизда бизга 4 та хўжаликни кўрсатди. Уларнинг икkitаси Тошкент вилоятида. Ватандошимиз Петер Таксонпеюса Юқори Чирчиқ районидаги Аҳмад Ясавий номи (собиқ Свердлов номи) жамоа хўжалигидан 120 гектар ер ажра-

сантиметр чуқурликда кўмилади. Изма-из суғорилади. Ер етилгач икки марта гербицид билан ишлов берилади. Картошка шу билан униб чиқиб гуллай бошлайди. Шунда иккинчи сув берилади. Яна ишлов давом эттирилади. Хуллас, меҳнатнинг зўри билан кузда гектар бўлига кам деганда 30 тоннадан ҳосил йиғиштириб олинади. Гектар бошига сарф қилинган уч тонна уруғ 30 тонна бўлиб қайтса ёмон эмас-да.

Яқин келгусида уруғлик картошка Ўзбекистоннинг ўзиде етиштириладиган бўлади. Шунда экин майдонлари яна ҳам кенгайса ажаб эмас. Гўшт каби картошка ҳам рўзгорнинг боши ҳисобланади. Шу боисдан бизда

гектар ерга лавлаги, сабзавот экинлари экаман. Картошкadan гектар бошига 40 тоннага етказиб ҳосил олапмиз. Ҳамма ишларни техника ёрдамида бажарамиз.

Ўзбекистонда бўлганимизда дўстин Петер Таксонпеюсининг далаларини айниқса синчиқлаб кўздан кечирдим. Бу ернинг иқлими иссиқ бўлганлиги учун сувни биринки марта кўпроқ бериш зарурга ўхшайди. Салқин тупроқда картошка кун сайин семираверади.

Далаларда колорадо қўнғизи пайдо бўлибди. Бу ёмон офат. Ундан биз аранг қутулганмиз. Петер ҳам зудлик билан бу зараркунаидани қириб ташлаш йўлларини топиши керак.

Сафаримиз жуда мароқли



Голландиянинг «Аалберс Еуропа Консалтанси» (АЕС) компанияси Ўзбекистонга зўр қизиқиш билан қарамоқда. Компания президенти Карел Аалбэз Тошкентда бўлган чоғида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган бир қатор таклифларни ўртага ташлаган эди. Шу таклифлар асосида картошка етиштиришда Голландия технологияси Ўзбекистонга кириб келди. Компания таркибига кирувчи «Вольф энд Вольф» фирмаси ҳозир шу иш билан шуғулланмоқда.

Фирма ташаббуси билан яқинда бир гуруҳ голландиялик фермерларнинг республикамизга сафари уюштирилди. Улар рафиқалари билан бирга келиб ўлкамизнинг иқлим шароити, бу ерда картошка етиштиришга ўз ҳамкасблари ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Уларда ҳам Ўзбекистон тупроғида Голландия технологияси асосида картошка етиштириш истаги туғилди. Сафар охирида жамоатчи мухбиримиз Ж. Носиров голландиялик меҳмонлар билан суҳбатлашди.

22.00 «Баггалдоқ». Илмий-омма боп фильми премьераси [«Қозоқфильм» ва «Союзтелефильм»].
22.20 «Икки томонлама ўйин». Мусликий кўрсатуви.
● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.

7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Нифоқ ороллари. Япониядан қараганда». 1-қисм.
8.20 «Маданият ва бозор».
9.20 Ишдан бўш пайтингида. «Хонадонингиздаги гуллар».
9.35 «Калит» кўрсатуви.
9.50 «Фольклор».
10.10 Ифодалаш санъати. Му- саввир Софья Халецкая.

10.40 Театр сафари. «Икки премьераси».
11.50 Кундузги сеанс. «Санта- Барбара». Кўп серияли ба- дий телефильм. 65-серия.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». * * *
15.00 «Сигнал».
15.15 Мульти-пульт. «Тугун», «Кубин», «Қанотлар, оёқлар ва думлар».

15.45 «Пилигрим».
16.30 Янгилликлар.
16.45 Телевизион ахборот тижо- рат кўрсатуви.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Ешлар».
18.15 Ислон маданият ёдгор- ликларида.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Ранг ва овоз».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.25 «АҚШ — СССР: катта ўйин». Кўп серияли теле- фильми премьераси. 3-фильм — «Асрнинг ярим тун».
20.25 «Благовест».
20.40 «Танаффус». Лариса Тру- хина куйлайди.
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Осуда уй».

Жума, 14. VIII

● УЗТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Зебо, Зиёда ўйнар». Фильм-концерт.
7.55 «Қизни топинглар». Ба- дий фильм.
9.25 «Келажакимиз мактабда».
10.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБ- ЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ- НИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Ис- тиклол йўли». Сурхондарё вилояти.
* * *

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИ- КАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ- НИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Ўз- бекистон куйлагай». Еш хр- нандаларнинг телевизион танлови. Наманган вилояти.
22.00 Ҳиндистон мустақиллиги кунига. «Ҳиндистон тонги». Кинокўрсатуви.
22.45 «Сен ҳам осмонни кўра- сан». Бадий фильм.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тар- тиб.

8.00 Янгилликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион ба- дий фильм премьераси.
9.05 Телефильмлар.
9.35 «Қақнус». Мультифильм.
9.45 «Куйлаш истаги». Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия.
11.00 Янгилликлар.
11.20 «Саёхатчилар клуби» [сурдо таржимаси билан].
* * *

17.55 «Қора кўркам от саргу- заштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премье- раси. 5-серия.
18.20 «ТВ-Нева: Ким биз би- лан!».
18.40 «Скрипка чалишни орзу қилган паҳлавон». Мульти- фильм.
18.50 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтой- лар!
20.00 Янгилликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Куйлаш истаги». Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия.
21.40 Халқ оҳанглари.
21.55 «ВИД» таништиради: «Матадор».
23.00 Янгилликлар.
23.35 «Ҳордиқ чиқаринг».
23.50 «Хит-конвейер».

10.20 Вариацияли мавзу. «Рож- дество серенадаси». Кўҳна куйлар академияси.
11.05 Мульти-пульт. «Гефест- нинг ёрдамчиси».
11.15 Кундузги сеанс. «Елғиз аёл танишни хоҳлайди». Бадий фильм.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *

16.50 Янгилликлар.
17.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Финал. «Темирўлчи» [Кўқон] — «Навбахор» [На- манган]. «Пахтакор» Марка- зий ўйингоҳидан олиб кўр- сатилади. Танаффус пайтида — Телефильм.
18.50 «Алдар Кўса қандай қи- либ йўлбарсин алдади!». Мультифильм.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.20 Тижорат хабарлари.
19.25 «Хуқуқий давлат сари».
19.55 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Ваҳобжон Фаё- зов.

● УЗТВ II
БИШКЕК КўРСАТАДИ
18.05 Мультифильмлар.
18.30 «Ала-Тоо».
18.50 Жалолобод кўрсатади.
19.20 «Севги лаҳзалари». Фильм-концерт.
19.50 «Қирғиздардин буткул дуйнолуқ курултайин на- рата».
20.30 «Ала-Тоо».
20.50 «Назар».
● «ОРБИТА IV»
4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгилликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.

13.10 Кўрсатувлар тартиби.
13.15 «Бридж».
13.40 «Бизнес-класс».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгилликлар [сурдо тар- жимаси билан].
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Музыка шинавандасига совға». Ирина Архипованинг мусликий меҳмонхонаси. 1- кўрсатуви.
14.55 «Бенони ва Роза». Олти серияли телевизион бадий фильм. 3-серия.
15.50 Болалар учун фильм. «Фил суғидан ясалган эгре- та» [Руминия].
17.00 Янгилликлар [сурдо тар- жимаси билан].
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Инсон ва қонун».

20.00 Янгилликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Куйлаш истаги». Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия.
21.40 Халқ оҳанглари.
21.55 «ВИД» таништиради: «Матадор».
23.00 Янгилликлар.
23.35 «Ҳордиқ чиқаринг».
23.50 «Хит-конвейер».

15.00 Телебиржа.
15.30 Мульти-пульт. «Пират лақабли кучкининг ёзишма- лари». «Сут худоси».
15.50 Телеассамблея. «Ҳинди- стон».
16.30 Янгилликлар.
16.45 Телевизион ахборот тижо- рат кўрсатуви.

Шанба, 15. VIII

● УЗТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
8.00 «Инсонга қанот нима учун керак!». Бадий фильм.
9.20 «Кичкина деманг биз- ни...». Спорт кўрсатуви.
9.50 Болалар учун. «Ёрилтош».
10.20 «Мушоҳада».
10.50 «Ешлик» студияси кўрса- тади. «Меҳнатим — элга ман- зур».
11.20 «Санъат усталари». Халқ артисти Мухтор Ашрафий.
11.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».
12.20 «Келинг, бир кулишай- лик». Республика қизиқчи аскиячи, маскаробозларнинг IX танлов кўриги.
13.10 «Инсон саломатлиги ва атроф-муҳит».
13.50 Қорақалпоғистон студия- си кўрсатади. «Ота макон».
* * *
18.00 «Рекс-терапевт». Мульти- фильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшигим, жон қўшигим».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.20 «Аралаш». Ҳажвий кино- журнал.
19.30 «Ўзбекистон бастақорла-

ри». Республикада хизмат кўрсатган артист Матнёз Юсупов.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБ- ЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ- НИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Ис- тиклол йўли». Бухоро вилоя- ти.
21.40 «Унутилмас сатрлар». Хў- жа Аҳмад Яссавий.
22.55 «Плюшхаддаги «Уч терак» қаҳвахонаси». Бадий фильм.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тар- тиб.
● УЗТВ II
АШГАБАТ КўРСАТАДИ
10.45 Телефильм.
11.00 Янгилликлар.
11.10 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Мульти- фильм. 1 ва 2-сериялар.
11.30 «Тенгдошлар». Болалар- нинг байрам ҳордиги [рус тилида].
12.30 Бадий фильм.
13.35 «Оба дурмуши».
* * *
17.00 «Бир бор экан...».
17.45 «Кичкинтойларнинг сало- матлиги».
18.15 «Қадимги йўл қайтадан тикланмоқда». Қадимий Ипак йўли бўйлаб экспедиция ҳа- қида [рус тилида].
19.00 Ҳинд ва турк қўшиқлари.
20.00 Янгилликлар [рус тилида].

20.15 Бахшилар Нуряғди Байра- мов ва Мияне Гараев куйлай- ди.
20.40 Кичкинтойлар, сизлар учун!
21.00 «Ватан». Ахборот кўрса- туви.
21.45 «Едиген».
22.45 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Сирли элчи». Бадий фильм.
23.50 Янгилликлар.

13.05 «Око» студияси таниш- тиради: «Олий мартабали ҳоким». Адмирал Колчак тақдири ҳақида ҳужжатли фильм премьераси [«Оте- чество» киностудияси].
14.00 Янгилликлар.
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Фондаги сурат». В. Бе- лов.
15.15 «Зазеркалье». «Кичкина деманг бизни...». Телевизион бадий фильм.
16.35 «Афғонистон тупроғида туғилган кўшиқлар».
17.35 Театр учрашувлари. «Бўл- ган воқеалар».
18.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Олтин изловчилар». Бадий фильм [Руминия, Германия, Франция].
19.45 Хайрли, тун, кичкинтой- лар!
20.00 Янгилликлар.
20.20 «Брэйи ринг».
21.20 «Рус балети юлдузлари». Кўп серияли телевизион му- сликий фильм премьераси. 3-фильм.
22.30 «Зиёрат». Телефильм.
23.00 Янгилликлар.
23.35 «Розля» олдида учра- шув.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Халқ рақслари.
18.00 «Биз Узинизга ўхшай- миз». Видеофильм.
18.30 «Олтойликлар. Хужжатли фильм».
19.00 Хабарлар.
19.20 Концерт.
20.00 «Елғизлар». Видеофильм.
21.02 Хабарлар.

Якшанба, 16. VIII

● УЗТВ I

7.00 «Субҳидам».
8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Оқ кема». Бадий фильм.
10.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБ- ЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ- НИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Ис- тиклол йўли». Бухоро вилоя- ти.
10.50 «Ҳужжатли экран».
11.35 «Кувноқ стартлар».
12.25 «Ешлик» студияси кўрса- тади. «Ватанпарвар».
13.25 «Футбол майдонларида».
14.05 «Ешлик» студияси кўрса- тади. «Иқбол».
* * *
18.00 «Алдар Кўса», «Эртан қандай яралди!». Мульти- фильмлар.
18.30 Болалар учун. «Кичкин- той» устахонаси.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.20 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИ- КАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Хулкар». Тележурнал.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБ- ЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ-

НИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Марҳабо, талантлар!» Рес- публика бадий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Самарқанд вилоя- ти.
22.20 «Аҳмад қаерда!». Бадий фильм.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тар- тиб.
● УЗТВ II
БИШКЕК КўРСАТАДИ
8.05—11.00 Қирғизистон теле- видениесининг болалар сту- дияси кўрсатади. Програма- мада: «Балдар студиясининг мейманканасида», «Бобок, сенин жомоғун», «Ачик ко- нул балдарбиз», бадий фильм.
* * *
17.35 «Кекса устанинг эртан- лари». Мультифильм.
17.50 «Меҳр-шафқат — қалб эҳтиёжи» [рус тилида].
18.30 «Ала-Тоо».
18.50 «Эл дуйносу» кўрсатуви.
20.00 «Ир кесе».
● «ОРБИТА IV»
5.20 Кўрсатувлар тартиби.
5.25 «Рухин чинқириш».
6.25 Ритмик гимнастика.
6.55 Янгилликлар.
7.30 «Спортлото» тиражи.

● «ОРБИТА IV»
5.50 Кўрсатувлар тартиби.
5.55 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
6.55 Янгилликлар.
7.30 «Картон соатлар майдо- ни». Мультифильм.
7.45 «Моторлар оламида».
8.15 «Мусликий чолгулар ва уларнинг тарихи». Кўп сериа- ли илмий-оммабоп фильм премьераси.
8.45 «Қандай қилиб муваффа- қиятга эришиш мумкин!».
9.00 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви.
9.30 «Марказ».
10.10 «Бумеранг».
10.40 «Мусликий дўқон».
11.10 Экологик хроника.
11.25 Тиббиёт сиз учун.
12.05 «Пингвинлар». Мульти- фильм.
12.20 Кубань Давлат казаклар хорининг концерти.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 «Иркутсктелефильм» намо- йиш этади: «Нима деб ата-

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.20 «АҚШ — СССР: катта ўйин». Кўп серияли теле- фильми премьераси. 4-фильм — «Илчи муносабатларнинг бошланиши».
22.20 «К-2» кинозали. «Хотиним кетиб қолди». Бадий фильм.
23.50 Парламент хабарномаси.

• СПОРТ • • СПОРТ •

ҒАЛАБА БИЛАН ҚАЙТДИ

Барселонадаги олимпиада баҳсларида ватанмиз шон-шарафини ҳимоя қилган олмалиқлик 15 ёшли Розалия Галиева тушган самолёт Тошкентга келиб қўнди. Самолёт пиллапойси ёнида уни ота-онаси, қариндош-уруғлари ҳамда Республика жисмоний тарбия ва спорт Давлат комитетининг вакиллари гуллар билан кутиб олишди.

Розалия олти ёшидан Олмалик кон-металлургия комбинати қошидаги спорт тўғарагида спорт гимнастикаси билан шуғуллана бошлаган эди. Унга Роза Борисовна Ишкова мураббийлик қилган. Олти ойгача у ҳафтасига уч марта, кейинчалик бу борадаги истеъдоди сезилгач, ҳар кун спорт тўғарагига қатнайдиган бўлди...

Самолётдан ўзининг бўйи баравар айиқчани қўлтиқлаб олган, озгингина қиз жилмайиб тушиб келди. Биз уни саволга тутдик: — Барселона сенга ёқди-ми?

— Жуда ҳам ажойиб шаҳар экан, роса томоша қилдик. Ҳатто елканли қайиқ-

да денгизда ҳам сайр қилдик.

— Ҳаяжонли дақиқалар бўлгандир?

— Ғолиб чиқганимни билганимда юрагим «патирлаб» уриб кетди.

Республикамиздан Бирлашган команда таркибида спорт гимнастикаси бўйича олимпиада беллашувида қатнашган икки қиз — Розалия Галиева ҳамда Оксана Чусовитиналар олтин медалга сазовор бўлишди. Афсуски, МДХ тренерларининг айби билан Розалия Галиева навбатдаги шахсий баҳсларда иштирок этмади. Уни бетоб деб эълон қилдилар. Ваҳоланки, у соппа-соғ эди. Ўзбекистон Миллий олимпиада командасининг аъзоси, олтин медал соҳибаси Оксана Барселонадан МДХ командаси таркибида Францияда бўладиган халқаро мусобақаларда қатнашиш учун жўнаб кетибди.

СУРАТДА: Олимпиаданинг олтин совриндори Розалия Галиевани аэропортда кутиб олиш пайти.

Сураткаш Ф. Қурбонбоев. (УзА).



Ҳажвчи рассом Абдурасул Ҳақимов газетамиз меҳмони

РАСМ чизишга ёшлигидан ишқи тушган Абдурасул Беньков номли бадний билим юртини тамомлаганда бир қатор нашрларда чизган ҳажвлари эълон қилиниб, оғизга тушиб қолган эди. «Тошкент ҳақиқати»да эса 1969 йилдан бери фаол қатнашиб келмоқда. Унинг расмлари «Мустум», «Шарқ юлдузи», «Ту-

листон» журналлари, «Ўзбекистон овози», «Халқ сўзи», «Қишлоқ ҳақиқати», «Туркистон» ва бошқа газеталарда, ҳатто чет эл нашрларида ҳам босилган. Тошкент давлат техника университети ходими Абдурасул Ҳақимов ижодига равиқ тилаб, муаллифнинг бир неча ишларини эътиборингизга ҳавола этаймиз.



ОЛИМПИАДА МЕДАЛЛАРИ

Ўтган пайшанба кунгача XXV ёғги Олимпиадада мамлакатларнинг медаллар жамғармаси қуйидагича бўлди. Бирлашган команда (МДХ) — 35 та олтин, 29 та кумуш, 20 та бронза, жами 84 та медал; АҚШ — 21 та олтин, 29 та кумуш, 24 та бронза, (жами 74 та), Германия — 18 та олтин,

16 та кумуш, 23 та бронза (жами 57 та), ХХР — 16 та олтин, 20 та кумуш, 14 та бронза (жами 50 та), Франция — 25 та, Австралия — 23 та, Жанубий Корея — 22 та, Венгрия ва Япония — 19 тадан, Италия — 17 та, Куба ва Руминия 16 тадан медал оlishди.

ХАЛҚ СЕВГАН САНЪАТКОРЛАР

Ўзбек қўшиқчилик санъатининг қадимий анъаналарини сақлаш билан бир қаторда уни ривожлантиришга ўзининг ширали овози ҳамда ижрочилик маҳорати билан муносиб ижодий ҳиссаларини қўшиб келаётган санъаткорлар Таваккал Қодиров, Шерали Жўраев, Бобомурод Ҳамдамов, Муножот Йўлчиева, Ортин Отажонов ва бошқа сеvimли хонандалар-

нинг ҳаёти ва фаолияти муҳлисларни қизиқтириши табии. Ана шуни ҳисобга олган Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси улар ҳақида ҳикоя қилувчи китобчалар чоп этиш тараддудида.

Ушбу қизиқарли нашрлар «Сиз сеvган санъаткорлар» туркумида минглаб нусхада чиқарилади.

С. ОДИЛОВА.

Марғилон шаҳар, «Янги Фарғона» кўчасидаги умумий ҳажми 38,3 квадрат метрли, уч хонали, телефони, иссиқ ва совуқ сувлари, табийи газ, кондиционер бўлган уйимни Тошкент шаҳридаги бир ёки икки хонали уйга

АЛМАШТИРАМАН

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Бахтиёр Комиловга 31-471 (код-259) номерли телефони орқали ҳар кун эрталаб соат 9 дан кеч соат 6 гача мурожаат қилишингиз мумкин.



— Амаки, хотиним аразлаб кетиб қолувди. Уйимни суғуриб беринг, ҳақини тўлайман.

— Анави, «Босс» қайси академикнинг эркаси экан?

— Миллионер ширкатчининг.



— Оллоберган Худойбердиевич кеча ва бугун...

ЭЪЛОН

Ташкилотлар, корхоналар ва кооперативларнинг раҳбарлари диққатига!

«ШАРҚ»

НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

идора китоблари, ҳар хил ён дафтарчалар, китобча ҳолига келтирилган босма иш қоғозлари,

ЭЪЛОН

конспектлар ёзиш учун дафтарлар ва бошқа қоғоз маҳсулотларини

ТАЙЕРЛАБ БЕРАДИ ВА СОТАДИ

Маҳсулотлар олдиндан ҳақ тўлаш шартларида ва нақд пулга сотилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Ленинград кўчаси, «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг хизмат биноси.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-58-72, 33-50-75, 33-84-78, 33-80-07, 33-90-50.

Муҳаррир ўринбосари
Р. УМАРОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.